

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМЧИ

7-йил чиқиши.  
МАЙ 1970 й.  
ПАЙШАНБА  
№ 107 (1175).  
БАҲОСИ 2 ТИЯНИ.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

### КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСДА

1970 йил 11 апрелда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси асосчили ва жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбаэлиги ўтказилди.

Бутуниттифоқ Коммунистик юбилейи шанбаэлигида мамлакатнинг меҳнат қобилияти даярли бутун аҳолиси қатнашди. Бу шанбаэли совет кишиларининг чуқур ватанпарварлик туйғуларини, уларнинг коммунистнинг юксак идеалларига астойдил содиқ эканликларини яна бир марта ифода этди. Шанбаэли бутун совет халқининг чинакам байрамига айланди ва меҳнатда ҳамда ишлаб чиқаришда катта муваффақиятлар билан нишонланди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС совет кишиларининг ижодий ташаббусига юксак баҳо бериб, юбилей шанбаэлигида актив қатнашган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, меҳнат ветеранларига, совет хотин-қизларига ва ишларга шавкатли меҳнатлари учун самийий ташақкур изҳор қилдилар.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати шанбаэлигида коммунистик меҳнат натижасида олинган маблағларни:

Кўшимча равишда бошланғич ва ўрта мактаб бинолари, касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа медицина муассасалари биноларини қуриш учун, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишларини яхшилашга;

Шаҳар ва қишлоқда ишчи ёшларининг хуна-техника таълимини кенгайтириш, саноатда юксак мадақали ишчиларни, қишлоқ хўжалигида тракторчилар ва механизаторларни тайёрлашга сарф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

### Тошкент

### КУБА БУЮРТМАСИ АСОСИДА

«Ташкент» заводи жаҳоннинг турта китъасига ёки 25 мамлакатга ўз маҳсулотларини юборди. Жумладан, Жапон, Болгария, Венгрия, Гвинея, Покистон ва Марокаш мамлакатларига «Ташкент» тамғаси билан турли хил кәбел маҳсулотлари жўнатилди.

Чет эллик буюртмачилар орасида Куба республикаси корхонанинг энг актив икки миқдоридан бири. Йил охиригача завод шу мамлакатга икки юз тоннадан ортиқ мис симлари тайёрлаб бериши керак. Ҳозиргача Озолик оролига буюртманинг ярмидан кўпроги жўнатиildi.

### КЎШИМЧА МАТО

### БУГУН

ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ИЛКИ БИРИНЧИ ТЎҚУВ ФАБРИКАСИ НЕВАРЛАРНИ ТЎРТ ОЙЛИК ПЛАНГА КЎШИМЧА МАТО ТЎҚИВ БУЛГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА ҒАЛАБА РАПОРТИ БЕРИШДИ. БУ ЭСА ХОТИН - КИЗИЛАР УЧУН 43 МННГ ДОНА БЕЖИРИМ ҚУЙЛАК ДЕМАКДИР.

Меҳнат мусобақасида пешнадамани қилган биринчи йигиртти фабрикаси ишчилари ҳам 5 тонна кўшимча қалава йигирдилар. Комбинатнинг бошқа фабрикаларида ҳам меҳнат мусобақаси авж олдирилиб, турт ойлик план ортига билан адо этилди.

### БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА

Шаҳримиздаги саноат корхоналарининг коллективлари юбилей йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашиб келишди. «Учун» тўқимачилик-галантерей фирмаси ўроқчиси Башира Тўхтаева (чапда) ҳалол меҳнати билан коллектив хурматини қозongan ишчилардан. У шу кунларда фидонорона меҳнат қилиб беш йиллик охириги йили топшириқларини шараф билан адо этиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда.

Тракторозилик заводининг ишчи-хизматчилари ҳам беш йиллик вахтасида туриб меҳнат қилмоқдалар. Корхонанинг илгор ишчиларидан (ўнгдаги сурат) Ю. Крупин ва Л. Белова ўртоқлар смена топшириқларини ошириб адо этишмоқдалар. Уларнинг фидонорона меҳнатидан барча мамун.

М. Нурдинов ва А. Тўраев фотолари.



14 июнь—СССР Олий Советига сайловлар кунин

### ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТ

Кун ботиши биланоқ Октябрь районидagi «Оқтепа» маҳалласи клуби сайловчилар билан гап-мулоқот кетди. Маҳалла комитети раиси Саъдулла Хабиров кишиларни ичкарига — улкан залга таълиф этди. Зал байрамдигидек безатилган. Деворларда турли плакатлар, Стендлардаги фотосуратларда эса маҳалла активлари амалга оширган ишлар, жумладан, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган шодиёна ас эътиририлган.

Республика рус тили ва адабиёти институтини қўшидаги агитпункт тарғиботчилари — тарих фанлари кандидати, доцент Султон Аҳмедов, филология фанлари кандидати Фатхулло Абдуллаев, Эриш Аздаровларни бу ерга йиғилтириб зўр мамнуният билан қарши олдилар.

Сайлов олдиги йиллигининг маҳалла комитетининг раиси С. Хабиров оқиё деб эълон қилди ва бугун халқро аҳвол ҳақида савол-жавоб бўлишини айтиди.

Шундан сўнг доцент С. Аҳмедов ҳозирги халқро аҳвол ҳақида гапириб, АҚШ империализмига қамбоджада олиб бораётган агрессия ҳақида батафсил сўз юритди. Шу ўринда ноиян 4 май кунини совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган маъбуот конференцияси ва унда СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин берган жавобларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тарғиботчилар Америка империализмларининг Намбоджага ноҳақ бостириб кирганини муносабати билан Совет ҳукумати эълон қилган Баёнот ҳақида ҳам батафсил сўзлаб бердилар.



### ХАЛҚ НОМЗОДИ

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиллигини бўлиб ўтди. Йиллигида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Солиҳ Рашидович Расулдони 620—Тошкент—Ленин сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга яқинлик билан қарор қилинди.

### ЯНА БИР МАИШИЙ БИНО

Эски шаҳарнинг Собир Раҳимов кўчаси ой сайини эмас, балки кун сайини ўзгармоқда. Кўчада янги клублар, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиб, аҳолига хизмат кўрсатаётир.

Кўш-кеча 159-кўралини трестининг 8-бошқармаси бинокорлари яна бир маиший хизмат кўрсатиш уйини қуриб ҳамшаҳарларимизни шунуд этди. Доҳий туғилган кунининг юз йиллигига тўхфа қилинган бинодо аҳолига хизмат кўрсатиш учун ҳамма шароит бор.

### Чақирилув пунктдан репортаж

### Ой бориб омон қайтинг

Кунингача пойтахт области ҳарбий комиссариатининг чақирилувчилар пункти кишилар билан гап-мулоқот кетди. Ешлар билан бирга уларнинг ота-оналари, қариндошлари, ёру-дўстлар йиғилди. Улар азаматларни Ватан посбонлигига кузатиш учун келишган.

Йиғилганлар орасида нуроний отахон, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, ҳозирда пенсияер Гофур ота Қодиров билан гап-мулоқот кетди. Ота-хонининг ўн бир фарзанди бор. Қенжайот фарзанди Абдусамат Қодиров ҳарбий хизматга кузатиляпти. Урта бўлики қуришидан абжир бу йилги Чкалов номли авиация заводида слесарь бўлиб ишларди.

Ватаннинг содиқ ўғлини сифатида оталарини, акаларининг йиғилганларини эггалмоқчи-ман. Ватан осойишталиги учун бутун куч ва билимининг авайман, — деди у.

Ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кузатиш маросимига бағишланган митинг очиб деб эълон қилинди. Митингда Тошкент области партия комитетининг секретари Б. Абдуваззоков, шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Ёқубжонов, республика ҳарбий комиссариати сиёсий ишлар бўлими бошлиғи, полковник И. Кургузова ўртоқлар сўзга чиқиб бўлажак солдатларнинг Ватаннинг содиқ фарзандлари бўлиш, она-ер тулғонини кўз қорачуғидай сақлаш, позимлиги ҳақида гапирдилар.

Шундан кейин хизматга чақирилганлар номиндан Биноков Н. Ҳолмирзоев, тоқар В. Ивашов, пионервожатий Б. Малецкий ва бошқалар гапирдилар.

«Музыка садолари шўх тангавор янгради. Ота-оналар фарзандларини бағра босиб, оқ йўл тилайдилар.

А. ПУЛТОВ.

### ИШЧИЛАР УЧУН ҒАМХЎРЛИК

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи матмурияти корхона коллективининг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида иборатли тadbир чораларни кўрмоқда. Айниқса уй-қўй қурилишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Утган йилларда ишчилар учун бир неча оилалар яшайдиган турар жой, уларнинг эркатойлари учун икки юз саксон ўринли болалар комбинати курилди.

Беш қаватли бино ишга туширилиб олти миш оила кўчиб кирганига кўп бўлгани йўқ. Бу бинонинг биринчи қаватига поликлиника қўйилди. Бу ишчилар «Главташкентстрой»га қарашли 9-трест курувчилари бажардилар.

Утган йил «Лола» номли янги қаҳвахона ишга туширилган бўлса, бу йил завод икки юз ўринли икки қаватли ошхона қуримоқда. «Ташинпрогор» институтини лойиҳаси асосида қуриляётган бу ошхона районида энг кўркам ошхоналардан бўлади.

«Ўзбексельмаш» ишчилари янги йилда бу ерда дастурхон атрофида ўтиришади. — дейишмоқда курувчилар.

Булардан ташқари ишчилар юбилей арафасида олти миш турт қаватли турар-қўй биносига ҳам кўчиб кирдилар. Бу бинонинг кўриб битказишда 30-қурилиш бошқармаси сайқалчилари жонбозлик кўрсатишди.

### НАШРИЁТЧИЛАР ТУҲФАСИ

Шу йилнинг 14 июнида улкан байрам — мамлакатимизда СССР Олий Советига сайловлар бўлиб ўтади. Бу тарихий кунга она-Ватанимиздаги барча ташкилотлар, корхоналар ҳамда муассасаларда зўр таяёрлик кўришмоқда, сайловга меҳнат совгалари ҳозирлашмоқда. Жумладан, шаҳримиздаги «Ўзбекистон» нашриёти «Совет» Социалистик Республикалари Иттифоқининг Конституцияси (Асосий қонун) ҳамда «СССР Олий Советига сайлов тўғрисида» Низомини алоҳида-алоҳида китоб тарзда катта тиражада босиб чиқарди. Китобчалар «Союзпечать» киоскаларида ва китоб дўконларида сотилмоқда.

### ТЕАТР—ФЕСТИВАЛГА

Шу йилнинг кизда Югославиядаги Загреб шаҳрида кўнроқ театрининг иккинчи халқро фестивали бўлади.

Мамлакатнинг бир неча ижодий коллективлари қатори Тошкентдаги республика кўнроқ театри ҳам бу халқро ижодий курикка қатнашиш ҳуқуқини олди. Театр ўз репертуаридаги энг яхши спектакллاردан бир нечасини фестиваль программасига тақдим этди.

Халқро фестивал очилгунга қадар театр республикамиз шаҳарлари бўйлаб гастроль спектаклларини намойиш қилди.

### СПОРТЧИЛАРГА СОВҒА

Спорт уйи тайёр бўлди! Ана шу ҳақида «Ўзбексельмаш» заводининг ремонт-қурилиш цехи азаматлари рапорт беришди.

Май байрамида завод спортчилари ақоиниб совға олишди. Икки қаватли бинодо спортнинг барча турлари билан шугулланиш мумкин.

### ХАЛҚ УСТАЛАРИ ИЖОДИ

Шаҳримизнинг хушманзара «Ғалаба» боғида, Ўзбекистон Халқ Хўжалиғи ютуқлари кўргазмасида халқ усталарининг республика кўргазмаси курси очилди. Кўргазма доҳий В. И. Ленин юбилей йилига бағишланган.

Маъзур кўргазмада Ўзбекистон Касаба Союзларининг Республика Совети ва Республика Бадий хаваскорлик уйи ташкил этди.

Бу ерда Самарқанд, Бухоро, Хива ва тошкентлик халқ усталарининг нақшкорлик ва ўймакорлик санъати асарлари намойиш қилинмоқда. Уларда ўзбек халқининг миллий анъаналари ўз аксини топган.

### ҚАҲРАМОНЛАР СТУДЕНТЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкент жисмоний тарбия институтининг клубида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Самғи Абдуллаев ва Солиҳ Умаровлар билан студентларнинг учрашув кечаси бўлиб ўтди.

Биринчи бўлиб Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳозирда республика санъат музейининг директори С. Абдуллаев Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жанг эпизодларини ҳаяжон билан гапириб берди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. Умаров эса совет халқининг фашист газандаларини ер билан яқсон қилишда кўрсатган миссиясиз жасоратлари ҳақида сўзлади.

Шунингдек, кечода институт ўқитувчилари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари В. Ф. Рабинович, О. М. Жигаловлар ҳам ўзларининг кўрган-кечирганларида иҳтиро қилиб беришди.

Меҳмонларга эсдалик совгалари топширилди. Учрашув қатнашчиларига институт бадий хаваскорлари катта концерт қўйиб беришди.

### ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

«Ўзбекистон» станциясида қурилди.

Лоихага кўра темир йўлчилар учун бир неча хашаматли уй-қўйлар, болалар боғчаси, мактаб, қозонхона, спорт ишоотлари, магазинлар бунёд этилади.

Институт инженерлари шу кунларда Андижон шаҳридаги темир йўл вокзали лойиҳасини қилишяпти.

### ЖАНГОВАР ЙИЛЛАРИ ЭСЛАБ

Кеча

«Дўстлик» қаҳвахонасида қишин турун бўлиб ўтди. Бу ерда пойтахтлик ҳарбий журналист ва ёзувчилар буюк ғалабаларнинг 25 йиллиги тўғрисида, у кунларнинг шўҳратини ҳақида сўхбатлашдилар.

Миллий анъанага биноян бир пилла чой атрофида бўлиб ўтган сўхбатда ҳарбий ёзувчилардан Адхам Раҳмат, Назармат, Хамид Тожибоев ва бошқалар тўпланганларга шўҳратга тўла йиллар тўғрисида ҳикоя қилиб бердилар.

Республика Журналистлар Союзи правлениеси томонидан уюштирилган сўхбат мазмунини манзур бўлди.

### ЯНГИ ОШХОНА

Манжара кўчаси йил сайини ўзлаштириб боряпти. Кейинги бир йил ичида бир неча кўп қаватли турар-қўй бинолари қад қўтарди.

Май байрами арафасида бу ерда янги ошхона иш бошлади. Ошхона 70 хўрандага хизмат қилияпти.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрами муносабати билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турун чет мамлакатлар коммунистик партиялари атоқли арбобларининг бир гурупаси — Арестина Компартияси — Марказий Комитетининг Бош секретари Хероимно Арнедо Альварес, Уругвай Компартияси Ижроия Комитетининг аъзоси ва Компартия Марказий Комитетининг секретари Альберто Суарес, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудирини Рита Ибарбуру, Венесуэла Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига наидатидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, ҳузурида бўлдилар.

Ш. Р. Рашидов дўстона сўхбат вақтида меҳмонларга Ўзбекистон партия ташкилотининг фаолияти ҳақида, республикада экономика ва маданиятнинг ривожланиши тўғрисида гапириб берди.

Сўхбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Г. Анисимов, Н. М. Матюков, Р. Н. Нишонов иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

### СОВЕТ РАҲБАРЛАРИГА МУКОФОТЛАР

ПРАГА, 6 май. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети президиуми ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати ташкил қилган Чехословакия Президиуми тақдирлари билан Чехословакия Социалистик Республикаси билан Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун санжирли биринчи даража Ош ер ордени билан мукофотландилар.

Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар юксак мукофотлар учун ЧНПА, ЧССР Ҳукумати, шахсан президент Л. Свободага самийий ташақкур изҳор қилдилар.



Шаҳримизнинг Ленин номли хибонида яқинда ишга тушган «Зангори тумбаэлар» қаҳвахонаси меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатамоқда.

СУРАТДА: ана шу қаҳвахонанинг кўриниши.



# АФСОНаВий КАЛЪА КАХРАМОНИ

\* БУГУН—РАДИО КУНИ

## ЖАҲОН ТИНГЛАЙДИ

Ҳозирги радиоэлектроникада ҳамма муъжизалар: космик радиолоқа ва секунда миллионларча операцияни бажарувчи электрон ҳисоблаш машиналари, рангли ва космик телевидение, узатувчи микростанциялар ва микроприёмниклар, самолётларни истаган шарафда беҳато мўдириништа ёрдамлашувчи новгайлик куркулмавлари ўз йўлини бундан 75 йил аввал тенга рус олими А. С. Попов иختиро қилган соддагина узатувчи радиостанциядан бошлаган эди.

Ҳозир ҳаётимизни радиосиз ва радиодиз электроннасыз тасаввур этиш қийин. Шаҳримиз телевидение ватани эканлиги билан фахрлансақ тарзийди. 1924 йили Тошкентда биринчи марта телевизион тасвир ҳосил қилинган. Радио эшиттириллар буйча эса Тошкент радиоси иттифонимизда анча олдинги ўринларда турди.

Тошкент радиоси бир неча программа орқали суткада 33 соат муттасил эшиттириллар олиб бормоқда. Радиодан олиб бериладиган ўзбек, рус, татар, қозон, уйгур, эшиттирилларни ёршарини истаган ерида тинглаш мумкин.

Тошкент радиоси ўз фаолиятини 1924 йилдан бошлаган. Шу даврдан бери радиода рўй берган ўзгаришлар ҳақида радио унинг директори Ф. Р. Раҳимов куйиндаги гапириб бери.

— Радио ташкил этилган вақтда техника

ридан келтирилган радио аппаратлар монтаж қилиб тутатилди ва ишга туширилди. Бу аппаратлар илҳам кулай, шу билан бирга сифати ҳам анча юқори.

— Ҳозир радио унинг ёнига янги комплекс курамоқда. — деди суҳбатимизга қўшилган радио унинг инженер П. Солмонов. — Бу комплексни 1972 йили битирш мўлажаллам оқдда. Шунда эшиттирилларни таъйинлаш учун қўшимча студиялар қўлайиб, янги имкониятлар юзата келади.

Бир йўла юз иштирокчи мўлажалланган катта концерт студияси хар томонлама кулайликларга эга булади.

Х. ШОУМАРОВ.



Тошкент телемарказига курсатувлар сифатини янада яхшилаш иқонини берадиган янги аппаратлар ўрнатилди.

СУРАТДА: катта инженер М. Мирзоҳидов янги ўрнатилган аппаратлардан биринчи ш сифатини қўздан кечиряпти.

И. Глауберзон ва В. Спроткин фотоси.

Республика радиосининг «Табассум» радиожурнали эшиттирилларни кин эшитмаган дейсиз. Куйинга радио муҳлислари дам олиш кунин «Табассум»нинг тинглашнинг одат қилиб олганлар. Радио журнал иқдорлари ҳам эшиттирилларни тобора мазмуни, юморга бой бўлиши йўлида кунт билан илаланмоқдалар.

СУРАТДА: «Табассум» радиожурнали редакторлари Исом Зокиров, Тулдин Содиков, овоз оператори Муртозо Муродов, СССР ҳақоқ артисти Наби Раҳимов билан навбатдаги эшиттирилларни таъйинламоқдалар.

Ю. Содиков фотоси.

**БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ БАЖАРДИЛАР**

Тошкент тўқимачилик комбинати қорхоналарида юбилей олдди мусобақадари қувончи натижалар берди. Қўлаб коллективлар, бригадалар ва ишчилар юбилей кунигача беш йиллик давлат планини ошириб бажардилар.

Пардозлаш фабрикасидаги Н. Скорухов ва Р. Саъдуллаевлар бошчилиги қилаётган бригадалар беш йиллик планиларини муваффақият билан бажаришди. Механика заводининг Ф. Халлилов, А. Аблякимов, Б. Қононов, А. Забарина, Л. Котин ва К. Тамишева сингари пешқадамлари 1971 йил ҳисобига ишламоқдалар.


Узбекистонлик бир гуруҳ журналистларини қаракон Брест қалъасидаги музей фондидинг илҳам ходими Василий Гурьевич Стрельков жангчиларнинг рўйхати билан таништирилган, қалъа мудофаасида марраларга қурашган кўп кишиларнинг номини тилга олди. Ана шундан баҳодирлар қаторида тошкентлик Фелипп Иванович Лаенков ҳам бор экан.

Фелипп Ивановичнинг адресини суриштирмаиз. Илҳам ходим Лаенков Тошкент шаҳри 1-Бехтерева кўчасидаги 41-уйда истикомат қилади. У уш йилларда жуда отир ва жангларда кўраш йўлини босиб ўтган, ҳатто Францияда партизанлар ҳаракатида қатнашган, деди.

Узбекистонга қайтишимиз билан, Фелипп Ивановичнинг бордик. Лаенков уш кунни уйда экан. Жуда самимий, илҳам кутиб олди бизни. Кенг ва ёруғ хонада галлашиб ўтирибмиз. Фелипп Иванович бошдан ўтганларини бирмабир хикоя қилиб бера экан. Унинг рафиқиси Евгения Михайловна кўзларига ёш олди. Негаки, у ҳам турмуш ўртоғи билан биргаликда Брест қалъаси мудофаасининг 20 йиллигида қатнашган, қалъани, унинг харобаларини ўз кўзи билан кўриб қайтган эди.

Фелипп Ивановични янада кўк чойдан бир шайладик. Ёшлик чокларини, армия сафига чақирилган дастлабки йилларни эслади. 1939 йили ёш Фелипп армияга юборилларини сўраб ҳарбий комиссариятга ариза ёзади. Лекин у ердигилар «Ҳали ёшингиз етгани йўқ», деб унинг талабини рад этишади. Бироқ, Фелипп Климент Ефремович Ворошилов номига ариза ёзади. Ордадан бир неча ой ўтган, Москвадан жавоб хати келади. Бу хатда Лаенковнинг илҳамоси қандирилгани айтилади.

Шундай қилиб, Фелипп Ивановичнинг сол-



Документ уқастинка оборонини Брестской крепости Ф. Лаенкова, бойша французского сопротивления

байрогини сақлаб қолдинг!

Лаенков буйруқни, арибатта бажариши керек. Шунга кўра у бир неча солдатни тўрлаб полк байрогини куйлаб остидан кўлтирига кистирганича, катта бир де рахти мўлжалга олиб, эмаклаб кетди. Гитлерчилар уни сезиб қолди. Турли хил курашлардан жаледек ўт ағдаришди. Бизникилардан у киши ҳалок бўлди. Бирок, Лаенков ҳамон ёр билан бир бўлиб эмаклаб борарди. Тиззаларининг кўзи уйлаб кетди, тирсаклари яраланди, қонади. Узи мўлжалга олган дарахтга тахминан 10-15 метр қолганда белкурчаси билан қучурча қазиб, полк байрогини ва ўзининг бўйиндаги медальонини кўйиб кўйди. Полк командирининг буйруқларини бажариб, энди қайтаганда каттақон бомба қаршида портлаб кетди. Лаенковни бир неча метр лирига иргитиб ташлади. Бўйи нима бўлганини билмайди у...

Анчадан сўнг кўзларини очиб қараса, тепасидан немис автоматчиси тиржайиб турибди, Лаенков ўридан туриб, фронтинг башвасига қулочкашиб, бир тўширди. Немис сангир колди ва ўзини уйлаб олди, автомат қўноғи билан Лаенковнинг бур-

Самал ҚОДИРОВ.

**ТАШСЕЛЬМАШ** заводи 1 Май бўсағасида Болгарияга пахта терши машиналари учун эҳтиёт қисмлар ариза бер талабини юборди. Орденли коллектив Болгария Халқ Республикаси билан дўстлик алоқасини ўрнатган. Бу дўстлик кун сайин мустақамлашиб борапти. Ташсельмашликлар коллективларида энг яхши ишчилар коммунистлар меҳнат ва иш ҳақи шех биросининг бошлиғи Алексей Рудковский, завод пландиспетчерия бўлими бошлиғининг ўринбосари Виктор Возенко, сураччи Иван Кокорев, темирчилик-тайёрлов цехининг бошлиғи Александр Краснослободцев ва бошқалар билан ҳақли равишда фахранишади. Чунки улар кўлга қурол олиб қарош Болгарияни овоз этишда иштирок этишлар.

Завод ветеранлари ўз дўстлари билан бўлган сурашувларда Болгарияда уш ерларда Совет Армияси жангчиларини қучур ҳурмат ва миннатдорчилик ҳис-туйғулари билан кутиб олганларини тез-тез эслаб туришади.

Завод коллективининг интернационал алоқлари йилдан-йилга ўсиб, мустақамлашиб бормоқда. Бунга завод маҳсулотларининг Пловдивга ўтказилган анъанавий халқаро кўргазмаларда қатнашганлигидан кўра бирларига санаот маҳсулотлари етказиб берилаётганлигидан кўриш мумкин.

«Ташсельмаш» заводида Болгариянинг электротехниклари, кучли насослари, электр двигателлари ўзининг

**Тошкент—жаҳонга**

**«Зангори кема»лар Болгария далаларида**

«меҳнат» қилмоқда. Бу йил эса ташсельмашлик Болгарияга пахта терши машиналарига мўлажалланган эҳтиёт қисмлардан катта партиясини жўнағди. Ҳозир эса пахтакорларнинг кўлга киритибган улкан зафарлари ҳақида завод ишчиларига галпириб бердилар. Заводнинг кўп нуҳсанга ээ редакцияси ўзининг шу кунги сонини дўстлар бағрамига бағиринди. Узбекистон поштахотида Тошкент соғва сифатида курилайтган ўрта мактаб бизнеси куришида ишлайтган болгар курувчилари тантананинг фахрий меҳмони бўдилар.

Завод коллективни туристик саяхат йўли билан Болгарияга бориб келмоқдалар Унинг диққатга сазовор жойлари, болгар дўстларининг дўстлик билан пресс цехининг слесар-тўқимасози Қўчқор Қўжеев, пластмасса металл-керамика ва резина буюмлар цехининг слесари Николай Соколов ва заводнинг бошқа қўлаб ишчилари яқиндан танидишлар.

Г. ДЕМИДОВ.

\* Янгилик ишодкорлари

## НАЗИРАНИНГ ТАКЛИФИ

бошлиғи вазифасига тайинланди.

Назира, энди фирма ишлаб чиқаришида маҳсулотнинг ҳажминини ва сифатини ошириш, материаллардан тежаб-тергаб фойдаланишни яхшилаш борасида ўйлаб бошлади. Унинг дугоналари билан ҳамкорликда яратган янгилиги ҳам шу янгилик жараянида туғилди.

У қўздан бери қалбига ором бермаётган бир нуҳсонки ҳал этиш ҳақида ўйлари. Шу вақтда қадар каттали газомолларнинг йўлини бир бирга мос келтириш учун 10-20 сантиметрлик материал қирчиб ташларди. Ишчи худди шундан бошламоқ керак. Қанчадан-қанча материаллар бекорга исроф бўлиб кетаявердим? Албатта, бунинг йўлини топиш мумкин-ку? — деган сўзларини халладан ўтказди Назира. Шу ўй-хаёллар билан ишга дайил қилинди. Кўп ўйлади, бичувчиларнинг ишчи зимдалик қузатди. Ниҳоят, бу ҳақда ишчи ўз самарасини берди. У ўзининг «Катталар материалларини бичиш ва тинишда тахлаш усули» деган тақлидини муҳонамага қўйди. Бу ишнинг рўёбга чиқинишида айинча унга ишлаб чиқарш бўлимининг бошлиғи Л. Шевченко ва конструкторлик бюросининг инженери Р. Ивановлар катта ёрдам бердилар.

Ташаббускор инженер қизнинг ишлаб чиқаришига иқорини этилган бу тақлиди буюнча материаллар йўлига ўтказилган тахланага қандайдир бўйлаб келтириди. Биринга ўтган йилнинг ёндаёқ Назиранинг тақлиди фирмага 98 минг сўмдан ортиқ иқтисодий фойда келтирди.

Бундай سخавотли ишчи учун Назира Туропова ҳамда унинг қасбдорларидан Л. Шевченко ва Р. Ивановлар Узбекистон Ленин комсомолли мувофоти лауреатини олинга мўъазар бўлиди.

Шу қунарда «Юлдуз» тивувчилик фирмасида бўлган ишчи бу уч юкдор қиз туғридада кўп илҳам гапларни эшитди. Улар улардан инқилобий ҳолда ушқлар соҳасини энг ушқлар сари дадил қадим ташлашляпти.

М. РАҲМОНОВ, Ж. РАЗЗОКОВ.

**ЭРКАТОЙЛАР ҚУВОНЧИ**

Шимолӣ Шарп уй, курсата бошлади. Бу қиҳақона ва паловхона ишга тушди. Қуйдишев район ҳоналар трести Тошкент қайнонт бoғида эркатойлар учун бола-лар наҳақонаси таш-тил қилди, Бу ерда турли хил ширинлик-лар, салқин ичимлик-лар, муз қайноқ сотила-ди.

Шимолӣ Шарп уй, курсата бошлади. Бу қиҳақона ва паловхона ишга тушди. Қуйдишев район ҳоналар трести Тошкент қайнонт бoғида эркатойлар учун бола-лар наҳақонаси таш-тил қилди, Бу ерда турли хил ширинлик-лар, салқин ичимлик-лар, муз қайноқ сотила-ди.

2. ТОШКЕНТ 26.11.1970

**КИШЛОҚ — ШАҲАРГА**

## ДАСТУРХОН БЕЗАГИ

Теплица хўжалигининг ойна-ванд сецияларини бирма-бир қўздан кечирган киши бу ерда айна тўқин-сонини ёз ҳукмрон деб ўйлади. Чиндан ҳам сецияларнинг кўчлигида помидор қил-қизариб линиш турибди. Бир қил-қизаришда эса бодиринг ҳосили етилади турибди...

«Янзал Узбекистон» колхозининг «Расцвет» участкасининг теплица хўжалигига келиб қолган киши юқоридаги маънарийнгувоҳи бўлади. Тажрибали деҳқон

Т. Қўчқоров етатчилик қилаётган бур исенқхона миришқорларни ҳа-шаҳарларимиз дастурхонини қи-шини-ёани янги сабабот билан таъминлаб туради.

Ўтган бир ҳафта давомида теп-лица хўжалиги миришқорларни шаҳарчиларга тўрт юз кило-грамм бодиринг, етти юз кило-грамм яқин помидор жўнатил-ди. Ҳозир эса ана тўртта секция-лар помидор ҳамда бодиринг ети-либ турибди. Ҳадемай, улар бу ерда эшиттирилган ҳосилани ҳам жойларга юборишади.



**Хусейин АББОСОДО.**  
Озарбайжон ёзувчиси.



## СИГНАЛ

### ХИКОЯ

Уч тоннали машина кабиначида икки киши — старшина билан сержант ўтиришди. Соқлари қор қора сержант ёш йигит эди. У машинани ўрмон йўлидан ҳайдаб борар экан, ўйдим-чүкурларни четлаб ўтишга ҳаракат қиларди. Ёши уттиб қолган старшина эса, экин ойинини туншириб тирегагина ташқарига чинарчанга паршонлик билан йўлнинг икки четини қолдирган қайин ва қарағайзорларни томонга қила бошлади.

Машина кузови снаряд қутиларига билан тўла. Передовойга яқинлашган сари баҳор момақалдирига ўхшаш гүмбир-гүмбир овозлари тобора яқинроқ эшитилмоқда. У ерда уларнинг батареяси жойлашган бўлиб, снаряд қутиб туришди.

Шоёр қўй кўзи билан қил қараб старшинадан илтимос қилди. — Тапирсиндан бер, Дмитрий. Старшина шонимлай чўнтагинга «Беломор» папкасини олди-да, сержантнинг боғига папирос солиб закливланган эди.

— Раҳмат, — деди сержант ичига тутун тортди, — ҳар ҳолда бетон йўлдан четга чиқиб турги иш қилдик. Бу йўлдан тезроқ етиб борамиз.

— Яхшиям татқалондиги, — жавоб берди старшина, — бўлмаса лўйга ботиб қолардик... Сенга қўйибчиб чекмас нима қилди? — деб қўшиб қўйди у бир оз жим турган.

— Албатта тутатганинг маъқул. Вақт тезроқ ўтади... Чурқ этмай чекма бошлашди. Ойнаси туширилган деразадан ел визак бўлиб ўтаётган шамол туғуни ҳайдаб чинарди. Старшина яна тилга кирди:

— Номбат — безовталанаётган бўлиб керак. — У шундай деб эски, кўпол соатига қараб қўйди. — Ўрамас болон бўлиб кетмаганда аллақачон батареяга етган бўлардик.

— Илон қанча. Йўлда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ҳечқисни йўқ, бу ёни оғина қолди.

Олдидан гүмбир-гүмбир янада кучайиб, отишмалар орасидан тўп, ериштирилган снарядларнинг овози ажралди турари. Кейин янги овоз эшитилди бошлади. Бу самолёт маторининг товуши эди. Гудгиршш кучайиб, яқинлашмоқда.

— Овозига қараганда бизники эмас, — деди старшина. — У деразадан бошини чиқариб юқорида қаради, лекин дарҳат улар самолётнинг куришга ҳалақат берарди. Кўккам осмонга ўхшаш мусоафо бир парча осмонда ҳеч нарса кўзга таппанмасди.

Сержант Рустам Ҳамидон оғдини туфлаб юборди-да, кучайган мотор овозига кўлоқ солганча машинани ҳайдаб кетарди. Ишониб снарядларни батареяга етирилиб борила ба! Ҳадемай бурнишига етилади. У ердан батарея жойлашган ўрмон ўзг эмас...

Мотор овози дахлат солиб яқинлашиб қолди. — «Фокке — вульф» — қичқирди деразадан ҳамон юқорида қараётган старшина.

Шу зайт самолёт машина устидан гувилаганча ўтиб кетди, кўнликаниси йўлга ҳам тушганди. Пулемётлари чўнаб ўч эди.

Нари кетди. Машинага унинг бирорта ҳам ўғи тегмаганди. Самолёт ўрмон ортга ўтиб, мотор овози узоқлашган бўлса, ҳам, лекин ҳамон эшитилиб турарди.

— Энди ёпишиб олади, трамас, — деди старшина — яна шўнғиди. Ҳайда. Рустам! Снаряд тўла машинани ўйдим-чүкур йўлдан тез ҳайдаш осон эмас. Аксига олгандай йўл четиданги қарағайлар қалин ўрмонга кириб бўлмайдилар. Рустам машинани

гандай зенит снарядлари портлаётганини тушуниди.

Рустам экинчи очиб, бўғини зинага тушириди. Катта огриқдан буқчайиб қолди. Набасини ростлаган, аста қалдини ростлаб қузовга кўз ташлади. Қўнган нарисидан миёсига ток ургандай бўлди. Кабинага яқин, олдинги борт ёнидан янгила экиннинг қонқоқлари тутамоқда. Хафсираган нарса рўй бериб, фахшет эгиди ёндирувчи ўқ уза бошлади.

Бир минут ҳам вақт ўчиб бермаслиги керак. Рустам чап қўли билан бортни ушлаб ўрмидан турмоқчи бўлди. Каттиқ огриқ бортни қўйиб юборишга мажбур эгди. Рустам хушсиз ерга қулади.

Ўзига келиб, кўзини очар экан, устидан қараган бутонлари тебранаётганини кўрди. Қўлини боғлаган латтаси ва гимнастёркаси иқини қон эди. У боғига иккита экинчи эслаб инграб юборди-да, соғлом қўли билан ерга таяниб ярим ўрнидан турган, ўтириб олди. Ниҳоят, ойёқча ҳам турди. Кузов тутамоқда. Рустам яна бортга ёпишиб бўғини юқори кўтарди. Куч қаердан келдикини унга? Инграб юбормаслик учун тишини тишига қўйиб бир интилиш билан борт оша машина ичига ағдарилди.

Яхшиям лом ҳар доимғидай ўз жойида, олдинги борт тағида ётган экан. Рустам ана шу ломни қўлига олиб яшқининг олов илашган тахталарини ажрата бошлади. У қўли куйганича тахталарни музлаган ерга улоқтира кетди. Тез Тезроқ олов бошга ерга тарқалишига йўқ қўймаслик керак! Агар ёнгин чиндиб кетса Ўлга. Рустамнинг ўзи эпюлламай қолди. — У бошга иккита ёпишиб тахталарни кетмасиз улоқтириб ташламоқчи. Қизилган снарядларни олиб, борт тағига тахталарни қўйиб кўмир бўлган экинни улоқтириб юборганидан сўнг атрафини яхшилаб қузатиб чиқди. Яна бир нарсага олов илашмадимики? Йўқ, илашмаганга ўхшайди...

Асаблари бўшаган Рустам маҳораси, снаряд яншилари устига қўзилиб қолди. Елкалари, қўли чўлаб бўлмас даражада оғримоқда. У кўзини юмди.

Энди самолёт овози эшитилмапти. Забаранлар ҳам тинганди. «Фокке — вульф» қочиб қолганимкин ёки забаранлар унинг уриб туширишганимики? Ишонилиб фашишча уриб туширишган бўлишини-да...

Забаранлар гүмбир гүмбири узоқлашиб кетгандай туюла бошлади... Визинкилар олдинги силжиганмикин? Эҳтимол огриқ асобидан кўлоғи оғирлашиб, назарига гүмбир-гүмбир овоз пасайгандай туюлаётганми?

«Бетон йўлдан чиқмаслик керак эди, керак эмас эди... йўлай бошладилар у огир нафас олар экан. — Старшина бунга рози бўлмаган эди... Мен бўлса уин қўнғиб бундай бўлади деб ўйлабди».

У аста чалқанча ётиб олади. Дарахтлар орасидан балиқ осмон куришиб турди. Осмон бўйлаб яқинмадан барра бўлдулар сузиб кетмоқда.

Рустамнинг назарига у чуқур жар тувида ётгандай туюла бошлади. — Етгани етар. Моторни юризиб кўриш керак. Лекин кузовдан чиққининг ўзи бўладими? Машинадан сақрашдай осон иш йўқ, бироқ ҳозир бунга қурб ётмайди...

Негадир болалик лайтларига Боқуданги трамлиндан сувга сақраниш ўрганган эсига тушди. Шунингдек, бир кунга бас болашиб, ҳовлидан тутдан сақраб, боғини чиқариб олганини ҳам эслади. Ушанда қунонам огриқ азобини тортганини, аста қўнғариш... Лекин у огриқ мутлақо ҳозиргига ўхшамасди...

Рустам ярадор қўлини бабур кўтариб, огриқдан ҳушига йўқорган даражада яншилар устидан борт томон судурлиб борди. Қошқини қўли бўлмаса... У борт оша энганиб, ёғи билан таянчиқ қолди...

Рустам машина гудгирини суяганча ҳижа вақт ўтириб қолди. У бутунлай кучдан тойганди. Энди аъзойи-бадани зирқираб оғримоқда. Асаблари тордай тарант, Рустам ўнга чўмди. Бирор чора қўрмай туриб сўнги кучини йўқотмас бас... бу फिर уни оёқча турнига мажбур эгди.

(Давоми 4-бетда).

## ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ЮБИЛЕЙ ВИСТАВКАЛАРИ

СОФИЯ. Бу ерда маданият ва санъат комитетининг ҳавза Болгар-Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг ташаббуси билан В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган катта бадий виставка очилди. Виставкада В. И. Лениннинг ҳаёти ва фаолияти, улуғ доҳий гоюларининг Болгарияда ва бутун дунёда тантана қилганини ақс эттирган боллар расмочилиги, ҳайкалтарошлиги ва графикасининг энг яхши асарлари намойиш қилинмоқда.

ПХЕНЬЯН. Корея-Совет дўстлиги жаҳияти марказий прадеинеснинг ташаббуси билан Корея Халқ Демократик Республикасининг пойтахтида В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган плакатлар ва китоблар виставкаси очилди. Виставка залларида Владимир Ильичнинг асарлари, Лениннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги китоблар, Ильич туғилгандаги плакатлар қўйилган.

(ТАСС).

### КОНГО ХОТИН-ҚИЗЛАРИ

КИНШАСА. Мустақиллик йиллари мубайнида Конго хотин-қизларининг ахволи тубдан ўзгарди. Конго (Киншаса) мустақиллиги йиллари мубайнида хотин-қизлардан шахар коммуналарининг тарқоқчи ва раҷарлер, педагоғлар етишиб чиқди. Бундан бир йилча муқаддам Конго Демократик Республикасида хотин-қизлардан чиққан биринчи прокурор ТерезаҒеириетта Каландра ишлай бошлади. У Киев давлат университетининг юридик факультетини татомлаб келди. Софи Мален Лихау-Канза социял ишлар давлат министри лавозимига иш ламоқда.

(ТАСС).



### «СКАЙХОК» САМОЛЁТИ УРИБ ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА. МЕН агентлиги хабар беради: Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий вакили бу ерда гапириб, Миср зенитчилари Исроилнинг «Скайхок» тиридаги яна бир ҳарбий самолётини яқсон қилганликларини айтган.

13 май маҳаллий вақт билан соат 14 да бир группа Исроил самолётлари Сувайш каналининг марказий секторига Миср позицияларига ҳужум қилди. Ҳаво ҳужумидан мудоғфа қисмлари ут очиб, боққинчи самолётларни ҳамда юборди, шу самолётлардан бирини уриб ҳам туширди.

(ТАСС).

### ВАТАНПАРВАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг газеталари Контум провинциянинг шимолий қисмида ваган параварлар аришган манголар музаф-фликларини Американинг Жанубий Вьетнамдаги урушин «ветнамлаштириш» планига яқиндан берилган зарба деб ҳисобламқдалар.

Озодлик матбуот агентлигининг хабар бершича, Вьетнам талқ озодлик қуролли кучлари 1 апрелдан 26 апрелгача Дансөөнг районига олғиб берилган жангларда душманнинг 2000 дан огриқ солдатини, шу жумладан, Америка имасхалқчиларидан 35 кишини сақдан чинарганлар. 76 самолётни уриб туширганлар ва шиканлантирганлар, кўп амқдордеги ҳарбий тезника яқсон қилганлар.

(ТАСС).

### ИСРОИЛ ТУРМАСИДА ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АММОН. Норманияда чинадиган «Ад-дас-тур» газетасининг боноб чинадиган хабарини қараганда, Набул шаҳридаги Исроил турмасига қамаб қўйилган араб маҳбўсларининг саломатлиги жуда ёмонлашиб кетди. Етти кун муқаддам маҳбўслар Исроил турма назоратчиларининг шафқатсизларча муомаласига қарши норозилик юза-сидан очлик эълон қилган эди. Қариндош-ўруқларининг маҳбўслар билан кўришини тўғрисидаги неча марта таб қилган илтимосларига Ҷарамай деб ёвади газета: Исроил маҳбўсларни уларга руҳсат беришдан баш тортди. Араблардан бир неча киши маҳбўсларнинг озод этилишини талаб қилиб, турма биноси ёнида намойиш уюштирганлар. Исроил полицияси уларни қамаб қўйди.

(ТАСС).

### ГФР УЧУН ЯНГИ ЭСМИНЕЦ

НЬЮ-ПОРК. АКШ-да Ғарбий Германиянинг ҳарбий денгиз флоты учун қурилган ракета ташувчи учинчи эсминец Массачусетс штатидаги Бостон шаҳрида сувга туширилди. Унга соёбқ гитлерчи фельдмаршал Роммель номи берилди. Бундан аввал АКШ-дан Германия Федератив Республикаси «Лютепенс» ва «Мельдерс» деган иккита бошқа ракета ташувчи эсминец юборилган эди. Уларнинг биринчиси соёбқ гитлерчи адмирал, иккинчиси эса соёбқ фашист учувчиси номи билан аталган.



Суратда: моқир дутор устаси Р. ҚОСИМОВ.

Бу унинг кунда Раҳимжон Қосимов Тошкент маданият-оқарту техника муножамиди.

Уз қасбига меҳр қўйган Раҳимжон сўнгги йилларда Дутор билан бирга танбуру, ғижжақ, рубоб, доира каби чолғу асбобларини сифатли ишлаш-шини ўзлаштирмоқда.

М. МАХМУДОВ.

Маданият-оқарту техника муножамиди ўқувчиси.

### Бухарест

Ажерпресс агентлиги хабар беради: Руминия Социалистик Республикаси хукумати шарқ-жанубий Осиёдаги вазиет кескинлашганлиги муносабати билан гоёт ташвишланаётганини ўз баёнотида билдиради. Баёнотда таъкидлаб ўтилгандек, Хинди-Хитойдаги ҳарбий жоғролар доираси кенгайиб кетиш хавфи борлиги сабабли Руминия хукумати Вьетнамдаги агрессиясини тўғтатиш, АКШ қўшинларини ва унинг иттифончиларига қарши қўшинларни Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетиш, жаҳоннинг ана шу қисмидаги халқларга қарши агрессия ҳаракатларига хотима бериш зарур эканлигини яна бир марта ўқуриб ўтади.

### Токио

Япония Компартияси Марказий Комитети Президиумининг «Ака-хата» газетасида босялган баёнотида бундай дейлади: Америка империализмининг Камбоджадаги агрессияси Камбоджа халқининг суверенитетини ва бетарафлигини поймол этувчи жинноий ҳуруждир. Бу агрессия Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳавога осойишталигини

## НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДАЛАР

яна жиддий хавф остида қолдиради. Япония Компартияси АКШнинг Хинди-Хитойдаги ўз агрессиясини кенгайтиришига қарши қатъий норозилик билдиради ва бу агрессия дарҳол тўғтатилиши, деб талаб қилади.

### Париж

Франция жамоатчилигининг кенг доиралари АКШнинг Камбоджадаги интервенциясига қарши норозилик билдиришмоқдалар. Франция Коммунистик партияси, тинчлик учун курашувчи ҳаракат ташкилотлари, Умумий меҳнат конференцияси, Франция Демократик меҳнат конференцияси, Сена ва Марна департаментлигидаги француз хотин-қизлар евоизи қўшма баёнотларида АКШнинг агрессияси тўғтатилиши, деб талаб қилдилар.

### Стокгольм

Гетеборгда АКШнинг Камбоджадаги агрессияси ҳаракатларига қарши норозилик намойиши ўтказилди. Бу намойиш АКШнинг қўшинлари Шарқи-Жанубий Осиёда дарҳол олиб чиқиб кетилишини талаб этган шорлар остиди. Намойиш мамлакат бўйлаб саёхат қилиб юрган АКШнинг

Швециядаги элчиси Гетеборгда қайтиб келадиган пайгга тўғрилаб уюштирилади.

### Вена

Австрияда чинадиган «Фольк-сштимм» газетаси қўнғидидаги лар таъкидлайди: Никсоннинг Америка қўшинларини Камбоджага киритиш тўғрисидаги буйруғи Америка империализмининг чин қиёфасини кўрсатиб беради. АКШ армиясининг Хинди-Хитойдаги янги агрессияси ана шу ярим оролда яшовчи халқларнинг азоб-укубатларини кучайтиради, лекин бу агрессия халқларининг қаршилик курашига бўлган яродасини заифлаштира олмайди.

«Фольксштимм» газетаси Америк империализмининг Хинди-Хитойдан чиқиб кетишга мажбур этмоқ учун Хинди-Хитой халқларининг озодлик ва тинчлик учун курашини янада кучайтиришига даъват этади.

(ТАСС).

## ДУТОР УСТАСИ

ДУСТАЛАР даврасида маҳорат ва дийшқиб билан ижро этилган куйлар эшитишнинг нақадар завқи бор. Айниқса, дутор ва танбурунинг мусиқий товушлари тингловчиларни ўзига мафтун қилиб, гўё унинг ички ҳиссийларини тараннум этгандек бўлади.

Ана шу эгу ишта улушини қўшаётганлардан бири дутор ясовчи Раҳимжон Қосимовдир. Раҳимжон ёшлигиндаюқ чоғу асбобларига меҳр қўйди. Уста Абдураҳмон Шерметов, уста Хожи Оқун, Обидохун Аллохонов каби устоз ва ўқитувчилардан таълим олди, соза тайерлаш силарини ўрганди. Кейинчалик у дутор ясови саноатининг устаси Усмон ота Зүфаров устасидан таълим олиб бошлади.

Иллар ўтиб у ўз қасбини чуқур ўрганди. Шу давр ичида республикамизнинг етук бастакор ва созандалари билан дўстлашиб улар маълаҳатига амал қилди. У ишлаган дуторлар аста-секин созандалар қўлида куй тарата бошлади.

Раҳимжон Қосимов тайерлаган дуторлар Ориф Қосимов, Зокиржон Собидов, Абдусамад Илёсов, Маҳмуд Юнусов каби бир қатор тангилки дуторчи созандаларга даст бўли бошлади.

Суратда: моқир дутор устаси Р. ҚОСИМОВ.



